

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Йўлқурилиш” АЖ
ягона акциядорининг


Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

2022 йил “8” сентябр даги
112/08-297-сонли қарори билан

Давлат активларини бошқариш агентлиги
директори ўринбосари

Вазир ўринбосари

А. Миралиев



О.Р. Исаков

2022 йил “21” октябрь

Р0918-3 -сон билан

м.ў.



2022 йил “8” сентябр

Қўшимча АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Йўлқурилиш” акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:	Р	У	1	0	3	Р	0	9	1	8	Т	1
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 413 812 552 (тўрт юз ўн уч миллион саккиз юз ўн икки минг беш юз эллик икки) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз оддий акциялардан иборат.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши учинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: Жамият ягона акциядорининг 2022 йил 8 сентябр даги қарори билан

Жамият ягона акциядорининг 2022 йил 8 сентябр даги қарори билан қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77-уй. Телефон: +998 (78) 150-05-67, электрон почта: info@yulqurilish.uz

Бошқарув раиси

Р.М. Ернийзов

Бонх бухгалтер

А.Н. Ахмедова



2022 йил “8” сентябр

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“VERITAS” МЧЖ

“BIZNES TADQIQOT KONSALTING” МЧЖ



(баҳоловчи ташилот номи)

(баҳоловчи ташилот номи)

(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

сана

сана

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“No'kis Baxalaw” МЧЖ

“UHY Appraisers” МЧЖ

(баҳоловчи ташилот номи)


(баҳоловчи ташилот номи)

Ганубов С. 7
(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

Керимов А. И
(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

сана

сана



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):

Оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 (бир минг) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **413 812 552 (тўрт юз ўн уч миллион саккиз юз ўн икки минг беш юз эллик икки) дона оддий.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **413 812 552 000 (тўрт юз ўн уч миллиард саккиз юз ўн икки миллион беш юз эллик икки минг) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Акциядор:

- жамият акциядорининг реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарни ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали ягона акциядорга (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига) жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **109 346 175 000 (бир юз тўққиз миллиард уч юз қирқ олти миллион бир юз етмиш беш минг) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **109 346 175 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 360 кун ичида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси: **Мазкур акциялар чиқарилиши давлат рўйхатига олинган сана.**

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси: **Ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, бироқ ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 360 кундан ошмаслиги лозим.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар “Йўлқурилиш” акциядорлик жамияти ва Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонасида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

“Йўлқурилиш” акциядорлик жамияти акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат корхонаси;

Жойлашган жойи: 100170, Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй;

Почта манзили: 100170, Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107-уй;

Телефон: (71) 267-37-42, факс: (71) 267-36-87. e-mail: info@deponet.uz, веб манзили: www.deponet.uz

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқисиз амалга оширилади.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1 000 (бир минг) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 октябрдаги 650-сон қарори билан қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 10 январдаги 03 и/ч-сон буйруғига мувофиқ “Тошвилийўлсаноат” МЧЖ устав капиталидаги 22 964 415 000 сўмлик;

Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 10 январдаги 2-сон ва 2022 йил 24 августдаги 21-сон буйруқларига мувофиқ “Бухоройўлгранит” МЧЖ устав капиталидаги 23 599 581 204 сўмлик;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 15 ноябрдаги 207-п-сон ва 2022 йил 30 майдаги 79-сон буйруқларига мувофиқ “Тахиятош йўллардан мунтазам фойдаланиш” МЧЖ устав капиталидаги 30 827 596 640 сўмлик;

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 20 майдаги 38к-ПО-сон ва 2022 йил 16 июндаги 60к-ПО-сон буйруқларига мувофиқ “Трансйўлқурилиш” МЧЖ устав капиталидаги 312 240 867 000 сўмлик давлат улушларини бериш;

2021 йил 12 ноябрдаги топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қолдиқ баланс қиймати 24 180 091 858 сўмлик Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77-уй манзилида жойлашган бино-иншоотлар;

“Йўлқурилиш” АЖ ягона акциядорининг 2020 йил 27 ноябрдаги 4-сон ва 2021 йил 8 ноябрдаги 103/08-қр-сон қарорларига асосан жамият устав капиталига берилган мол-мулклар ва жамият устав капитали ўртасидаги 611 сўм фарқ.

Баҳоловчилар тўғрисидаги маълумотлар:

- “VERITAS” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “VERITAS” МЧЖ, жойлашган жойи: Тошкент шаҳар, Тўёна кўчаси, 4А-уй, лицензия рақами RR-0189, лицензия берилган сана: 28.08.2014 йил, лицензияни берган орган: Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси).

- “BIZNES TADQIQOT KONSALTING” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “BIZNES TADQIQOT KONSALTING” МЧЖ, жойлашган жойи: Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Денов ҚФЙ, лицензия рақами RR-0177, лицензия берилган сана: 10.10.2013 йил, лицензияни берган орган: Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси).

- “No'kis Baxalaw” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “No'kis Baxalaw” МЧЖ, жойлашган жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар, Маденият, 3-уй, лицензия рақами: RR-0278, лицензия берилган сана: 26.03.2020 йил, лицензияни берган орган: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги).

- “UNY Appraisers” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: “UNY Appraisers” МЧЖ, жойлашган жойи: Тошкент шаҳар, Жарқўргон кўчаси, 22-уй, лицензия рақами: RR-0165, лицензия берилган сана: 12.06.2015 йил, лицензияни берган орган: Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси).

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда “Йўлқурилиш” акциядорлик жамиятининг корпоратив веб-сайтида (www.yulqurilish.uz) ва Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ошкор қилинади.

13. Бошқа маълумотлар. “Йўлқурилиш” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устави Тошкент шаҳар, Миробод тумани Давлат хизматлари марказидан 2022 йил 18 июлда рўйхатдан ўтган. СТИР:307 751 303.